



СЕЗИШ ҲИССИЁТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ (ТОЖИК ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

*Адашуллоева Гулноза Муҳайбиновна,
СамДУ филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Калит сўзлар: сезиш, ҳиссиёт, антропоцентризм, семантик майдон, фразеологик тизим.

Маълумки, “Олам бир бутун тизимдир. Унинг тизимлиги шундаки, у ўзаро шартланган, бир-бирини тақозо этувчи элементлар муносабатидан ташкил топган яхлитликдир. Бу яхлитлик кичик бутунликларга бўлинувчанлик хусусиятига эга. Элементлар маълум умумий белгиларига кўра синфларга бирлашади ҳамда синфга бирлашган элементлар шу синф таркибида бир-биридан фарқли белгиларига кўра ажратилади. Тилшуносликда майдон талқини бўйича Л.Новиков тил лексик системасининг ўзаро мураккаб муносабатлари, Г.Шур майдон назарияси муаммолари, А.Абувалиев синтактик сатҳнинг тўсиқсизлик категорияси, Т.Нарзикулов функционал семантик майдоннинг морфемикага доир хусусиятлари, Ҳ.Ҳожиева ҳурмат майдони, Ш.Искандарова шахс микромайдони, А.Собиров семантик майдон ҳосил қилувчи бирликлар ҳақида тадқиқотлар олиб боришган [1].

Тилда мавжуд нарсаларнинг яхлит бир тизимни ташкил қилиши нуқтаи назаридан шахс хусусиятини ифодаловчи иборалар семантикаси масалалари ҳақида ҳам фикрлар билдирилган. Антропоцентризм нуқтаи назаридан, тил тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, шахс хусусиятини ифодаловчи аспект ўз таркибига, бир томондан, нутқ фаолияти мавжуд бўлмаган психолингвистик жараёнларни олса, бошқа томондан нафақат интуитив, балки онгли интеллектуал фаолиятга ёндашувчи ижодий фаолият билан иш кўришни тақозо этади. Бунда шахс хусусиятини ифодаловчи омил уч соҳада намоён бўлади: инсон психологик фикрлаш дунёси, инсон ички нутқи билан бевосита

боғлиқ интеллектуал нутқни намоён қилиш, новербал воситаларни жалб этиш[2]. Олдинроқ ҳам таъкидлаб ўтилганидек, А.Маматов инсоннинг эмоционал ҳолатини ифодаловчи ибораларни шодлик (*даҳонаш ба гўшаи расид // оғзи қулогига етди*), таажжуб (*гиребонаширо гирифтан // ёқасини ушламоқ*), кўрқув (*нафасаи фурўнишин гаитан // нафаси ичига тушиб кетди*) сингари ўнга яқин фразеосемантик гуруҳга[3], Д.Худойберганова ўзбек тилида турғун ўхшатиш эталони асосида ҳосил бўлган ибораларни тилнинг лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатувчи тил бирлиги сифатида[4] инсон аъзолари (*чун шаҳриёр алифқомат // амирдек тик қомат*), ташқи кўриниши (*ҳамчун моҳ сафед // ойдек гўзал*), жисмоний хусусияти (*чун гул нозук // гулдек нафис*), хатти-ҳаракати (*монанди буз чаҳидан // эчкидай сакрамоқ*) сингарилар билан боғлиқ бўлган бир қатор гуруҳларга бўлиб ўрганган.

Тожик ва ўзбек тиллари шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликлари таҳлилида инсон ҳиссиётларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари юзасидан ишлаб чиқилган таснифдан келиб чиққан ҳолда инсон руҳий фаолияти унинг турли мураккаб ва кўп қиррали ҳиссиётларида намоён бўлиши маълум бўлди. Бунда инсон билим олиш жараёнлари (ҳиссиётлар, қабул қилиш, фикрлаш, тасаввур), иродавий ва эмоционал жараёнлар ҳамда шахснинг турли руҳий хусусиятлари (тавсифий ҳиссиётлар, ирода, тафаккур ва фикрлаш сифати), инсон руҳий ҳолати сингарилар билан боғлиқ ҳиссиётлар юзага келади.

Психология, этика ва лингвистика бўйича тадқиқотларга таянган ҳолда ва



фразеологизмларни белгилашнинг дефиницион услубини қўллаш билан биз шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологизмлар майдонини қуйидаги микрогуруҳлар асосида таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: **сезиш** (*чаим давондан // кўз югуртирмоқ*), **хотира** (*ба ҳуш омадан // эсга келмоқ*), **фикрлаш** (*ба тарозу андохтан // тарозига солиб қўймоқ*), **тасаввур** (*пешомадро башорат кардан // келажакни олдиндан билиш*), **ҳиссиёт** (*қоматини тик қилиб юрмоқ // сар бардошта гаштан*), **ирода** (*ба гап истодан // ўз сўзида турмоқ*)ни ифодаловчи микрогуруҳ. Бу микрогуруҳлар ҳам ўз навбатида бир қатор кичик гуруҳларга бўлиниб кетади. Масалан, шахс хусусиятини ифодловчи микрогуруҳ – **ростгўйлик** (*пўсту каллаширо гуфтан // дангалини айтмоқ*), **айёрлик** (*равгани морро лесидагй (хўрдагй) // илон ёгини ялаган*), **кўрнамаклик** (*нонро пешпо задан // нон тепкилик қилмоқ*), **гайирлик** (*бахилй кардан // бахиллик қилмоқ*), **икки юзламачилик** (*дурўягй кардан // мунофиқлик қилмоқ*) каби гуруҳларга бўлиб ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур мақолада **сезиш** билан боғлиқ ҳиссиётларни ифодаловчи фразеологизмларнинг таҳлилига оид фикр юритмоқчимиз.

Фразеология маълумотларига кўра, ҳиссиёт бу мувофиқ сезгичларга бевосита моддий таъсири остида организм ички ҳолатлари ҳамда моддий дунё ходисалари ва предметлари алоҳида хусусиятлари аксидан иборат бўлиб, содда психик жараёнлардир[5].

Ҳиссиётларга мувофиқ сезгичга таъсир натижасида юзага келиши сабабли, ҳиссиётлар таснифи, уларга таъсир этувчи ходисалар хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга нисбатан сезгичларнинг таъсирланиш даражасидир. Сезгичлар акс этиши ва жойлашиши тавсифига қараб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: кўриш, эшитиш, ҳид сезиш, пайпаслаш ва таъм билиш. Сезиш ҳиссиётлари таркибига пайпаслаш ҳиссиётлари билан бир қаторда алоҳида ҳиссиётлар тури ҳам киради, яъни

ҳароратни сезиш. Эшитиш ва пайпаслаш ҳиссиётлари орасидаги ҳолатни тебраниш ҳиссиётлари эгаллайди. Инсон ташқи муҳитида ориентацияланиш хабардорлигига мувозанат ва тезлашиш ҳиссиётлари катта аҳамиятга эга [5, 184-185].

Сезиш микрогуруҳи, атроф-муҳит ҳиссиётларини унинг барча шакллари ва турларида акс эттиради: товуш ва ранг сезиш қобилияти, ҳид ва ҳарорат сезиш қобилияти, катталик ва бошқалар. Мазкур микрогуруҳ, ўз навбатида, қуйидаги таггуруҳларга бўлиниб кетади:

1. Кўриш қобилиятини ифодаловчи кичик гуруҳ.

Мазкур таггуруҳ кўриш қобилияти жараёнлари орқали юзага келиб, бу ҳолат тожик ва ўзбек тилларида кўз лексемаси мавжуд бўлган фразеологик бирликлар орқали ёритилади. Бу табиий бўлиб, кўз кўриш органи, кўриш ҳиссиётлари доирасига киради: *чаим давондан // кўз югуртирмоқ, чаимакй задан // кўз уриштирмоқ, чаим паридан // кўзи учмоқ ва бошқа*.

Турли ҳиссиётларни акс эттирувчи фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ҳар томонлама ҳиссиётларнинг сифати, жадаллаштируви, давомийлик ва маълум бир тўхтамага келишга олиб келади, яъни психологияда қабул қилинган барча ҳиссиётларнинг умумий хусусиятини ифодалайди[5, 184-216].

Мазкур тиллардаги кўриш қобилиятини билдирувчи барча фразеологик бирликлар учун характерли хусусият шундаки, улар кўриш қобилияти йўқотилиши, пасайиши, қутилмаганлиги, қисқа муддатлилиги каби асосий ҳиссиёт хусусиятларини ёрқин ва тўла равишда акс эттиради.

Тожик ва ўзбек тилларидаги кўриш ҳиссиётлари жадаллаштируви турли даражаси, таъсир феъллари ёки ҳаракат феъллари мавжуд бўлган лексик тузилмага фразеологик бирликлар орқали етказилади. Кўриш ҳиссиёти қутилмаганда пайдо бўлиш мазмунини етказувчи фразеологик бирликларда лексик таркиб таъсир



феъллари мавжудлиги билан тавсифланади: *чашим афтидан // кўзи тушмоқ, ба чашим афтидан // кўзга тушмоқ*. Кўриш хиссиётларининг йўқотилиши куйидаги фразеологик бирликлар билан ифодаланади: *аз чашим гум шудан // кўздан йўқолмоқ, ба чашим нанамудан // кўзга кўринмай қолмоқ*. Куйидаги фразеологик бирликлар эса мақсадли тушунилган кўриш хиссиётлари мавжуд эмаслиги билан нофаоллик касб этади: *чашмакй задан // кўзини ўйнатмоқ*.

Баъзи фразеологик бирликлар кўриш хиссиётининг қисқа муддатли эканини билдиради: *назар партофтан // кўз қирини ташламоқ*.

Демак, тожик ва ўзбек тилларига хос шахс хусусиятини ифодаловчи иборалар, асосан, кўз лексемаси орқали ифодаланиб, инсон кўриш хиссиётларини очиб беришда умумийликка эгадир. Нима бўлганида ҳам, қиёсланаётган тилларнинг ҳар бирида ўзига хос лингвокультуремаларга эга иборалар мавжуд. *Чашим сиёҳ задан // кўз олди қоронгилашмоқ* қоронғилик мазмунига эга бўлиб, у, одатда, ҳеч нарса кўринмаяпти маъносида ишлатилади ва ўз таркибида қоронғилик лингвокультуремасини ифодалайди ёки иши юришмаслиги, тажрибасизлик жараёни *чашим кофтан // кўзи ўйилди* деб номланади.

2. Эшитиш ҳиссини ифодаловчи кичик гуруҳ

Фразеологик бирликларнинг мазкур кичик гуруҳи узокдан келаётган товушларнинг эшитиш қобилиятига нисбатан таъсири мазмунини ифодалайди: *аз таги гўшаиш бонг задан // қулогининг тагида қўнғироқдай бақирмоқ*.

Шахс хусусиятини ифодаловчи фразеологик бирликлар, асосан, товушнинг биргина хусусиятини, яъни баландлигини тавсифлайди: *гўширо ба қомат овардан // қулоқни қоматга келтирмоқ*. Эшитиш хиссиётларини белгилаб берувчи фразеологик бирликларнинг асосий мақсади эшитиш жараёнида амалга оширилаётган мақсад мазмунини белгилаб беради: *Гўши касе*

рост шудан, гўши ба қимор шудан // қулоги динг бўлмоқ каби.

Таҳлил этилаётган тилларнинг бир қатор фразеологик бирликлари мавжудки, улар эшитишни қисқа вақт рад этиш жараёнини тавсифлайди: *пардаи гўшаиш завс // қулогини бекитиб олмоқ, қулоги том битган*, (тожикча *гўшаишба қўрғошим бити кардагй* варианты Самарқанд шеvasида ишлатилади).

Мазкур гуруҳдаги фразеологик бирликларнинг бир нечтаси эшитишнинг сусайиши, тиниклиги мазмунини белгилаб беради: *гўши касе тинч шудан // қулоги тинмоқ*.

Кўриниб турибдики, ушбу ибора қулоқ лексемаси орқали узатилаётган эшитиш мазмунини ифодалаб, доимий равишда эшитиш хиссиётлари ва уларни қабул қилиш мазмунидаги фразеологик бирликлар таркибида мавжуд. Фақатгина *ба даҳони касе нигоҳ кардан // оғзига қарамоқ* фразеологик бирлигида **огиз** лексемаси қўлланилиб, у гапириш ҳолатини англатади. Унинг лингвокультуремаси эшитувчи ҳолатини белгилаб беради.

Иккала тилнинг фразеологизмлари учун умумий бўлган лингвокультурема товушларга нисбатан ҳайвонларнинг ҳаракати устидан кузатувларга асосланиб, куйидаги фразеологизмлар билан ёритилган: *гўшаиширо парда гирифтан, қари ботил // қулоги битмоқ, қулоги динг бўлмоқ* ва бошқа.

3. Пайпаслаш ҳиссини ифодаловчи кичик гуруҳ.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, пайпаслаш билан боғлиқ хиссиётлар таркибига тери билан ҳис этиш ва ҳарорат ҳиссини сезиш киради. Ҳарорат ҳисси билан биргаликда, пайпаслаш хиссиётлари ҳам тери хиссиётлари турига мансуб бўлиб, тери юзаси, инсон мулоқотда бўлган тана юзаси ҳақида ахборот еткази (силлик, дағал, ёпишқоқ, суёқ ва бошқа). Шу билан биргаликда, мазкур аъзоларнинг ҳарорат параметрлари ҳақида ҳам ташқи муҳитга ахборот етказилади [5, 136].



Ҳарорат ҳиссиётлари иссиқ, совуқ, ниҳоятда совуқ, қалтираш каби ҳиссиётларни уйғотиб, бу ҳолат қиёсланаётган тилларда қуйидаги фразеологик бирликларда ўз аксини топади: *буз барин ларзидан // эчкидай қалтирамоқ, офтоб задан // офтоб урмоқ, мағзи устухонсўхта рафтан // эт-этидан ўтиб кетмоқ...*

Юкорида тилга олинган фразеологизмларда орқа бўйлаб чумоли ғимирлаши тасвири мавжуд эмас, лекин унинг маъносини берувчи бошқа образ ифодаланган. Унда инсон танаси бўйлаб қалтираш мазмуни берилади: *танаро ларза зер кардан // вужудини титроқ босмоқ, дасту пой суст шудан // қўл-оёғи сустлашмоқ...*

Ҳар икки тил фразеологизмларида ҳам жуда совқотиш мазмуни мавжуд. Мазкур гуруҳдаги қатор фразеологик бирликлар инсоннинг у ёки бу ҳолати билан биргаликда иссиқлик, совқотиш, қалтираш каби тушунчаларни ифодалайди. Тожик ва ўзбек тилида қаттиқ кўрқув, ҳис-ҳаяжонини айнан тиш тақиллаши орқали ифодаловчи фразеологик параллеллар ҳам кузатилади. Келтирилган барча фразеологизмлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, икки томонлама ҳиссиётлар мазмунини ифодалаб келади. Бир томондан, бундай ҳиссиётлар ҳақиқатнинг муайян ҳолатини белгилаб берса, бошқа томондан, организмнинг муайян ҳолатини тасвирлайди. Демак, пайпаслаш ҳиссиётларини узатиш билан боғлиқ бўлган фразеологизмларда кўпинча турли соматизмлар қўлланади: бош, юрак, бел, эт, тана, мия, тиш. Айнан шу ҳолат инсон ҳаётида ҳид сезиш қобиляти, кўриш, эшитиш ва умуман сезишга нисбатан етакчи ролга эга эмас [5, 200]. Масалан, *сар ба осмон расидан // боши осмонга етди, дил така-пука шудан // юраги така-пука бўлмоқ, рўйсахт шудан // бети қаттиқ бўлмоқ, ба сар задан // мияга урмоқ, дилаш хун // юраги қон, чашм кушодан // кўз очмоқ...*

4. Очлик, ташналик, тўйишга хос кичик гуруҳ.

Очлик ва ташналик интероцептив ҳиссиётлар бўлиб, улар организмнинг ички ҳолатини акс эттирувчи тананинг ички тўқималари ва органларида жойлашган сезгичлар иши маҳсулидир. Очлик ҳисси мазмуни ҳар икки тилда мавжуд бўлган қуйидаги фразеологизмлар орқали белгиланади: *шикам ногора навохтан // қорни ногора чалмоқ, шикам рехтан, шикам рафт // қорин кетди, мисли гурги гурусна // оч бўридай.*

Ҳар икки тил фразеологизмларида оч бўри образи қўлланилади: *мисли гурги гурусна гаштан // оч бўридай санқимоқ.* Бўрининг очлиги, овчининг иштиёқмандлиги туфайли ов давомида овқат ейишга вақти йўқлигидан юкорида тилга олинган фразеологизмлар асосида лингвокультуремалар яратилган.

Тожик ва ўзбек тиллари фразеологизмларида ташналик мазмунида доимий соматизм компоненти, яъни *томоқ* қўлланилади. Шунингдек, ташналик ҳиссиёти қуруқлик семаси орқали ҳам ифодаланиши мумкин: *ҳалқ қоқ шудан // томоғи қуримоқ.* Шу билан биргаликда, қиёсланаётган тиллар фразеологиясида тўйиш ҳиссини билдирувчи фразеологизмлар ҳам мавжуддир: *хук барин хўрдан // чўчқадай емоқ, аз даҳону бини сер шудан // огиз-бурундан тўймоқ.*

5. Оғриқ ҳиссини ифодаловчи кичик гуруҳ.

Фразеологизмларда оғриқ ҳиссининг турли кўринишлари ифодаланади: Оғриқ ҳақидаги фразеологизмларда, оғриққа мувофиқ лексема-соматизмлар қўлланилади: *дар гулў қатор шудан // томоққа тиқилмоқ, дил задан // юрак титрамоқ, дастам шикаст // қўлларим синди.*

6. Чарчаш ҳиссини билдирувчи кичик гуруҳ.

Сезгичларга бўлган таъсирлар юзасидан келиб чиқадиган ташқи ва ички ҳиссиётлар турлича ва улар тана ички органлари ҳамда мушак, бўғимларда намоён бўлади. Бунда инсон чарчашни ҳам ҳис қилиши мумкин (чарчаш, кучсизланиш, организмнинг ишдан чарчаш). Бундай ҳиссиётлар нутқда,



лексика ва фразеологияда ўз аксини топган.

Тожик ва ўзбек тиллари фразеологизмларида инсон чарчаш ҳолати куйидаги соматизмлар ёрдамида очиб берилади:

Оёқ. *Дар пойҳо чон намондан // оёқларда жон қолмаслик, аз по мондан // оёқдан қолмоқ, дар пойҳо базўр рост истодан // оёқларда аранг тик туриш.*

Кўз. *Чашмонаш пўшида шудан // кўзлари илинмоқ, чашми бозистод // кўзлари тинмоқ.*

Фразеологизмларда қўл ҳам чарчаш маъносини ифодалайди: *Инсон қўл меҳнатида чарчаган бўлса, дасти касе шикастан // қўли толиқмоқ* шаклидаги иборалар билан ифодаланади. Мазкур тилларга оид фразеологизмлар чарчаганидан ҳатто овқат ҳам ея олмайдиган инсон образини *мадори хўроқхўрӣ намондан // овқат ейшига мадори қолмаслик каби иборалар орқали намоён этади.*

Ушбу фразеологизмлар чарчаш ҳиссиётини ифодалаш бўйича тилларда бир хил, умуминсоний, универсал ҳисларни намоён этишга қодир. Чарчаш ҳиссини билдирувчи бирликлар, яъни оёқ компонентли фразеологизмлар билан ифодаланиб, оёқнинг чарчасини чўян оғирлигига тенглаштиради: *ба пойҳоляи зан чир бастагӣ барин // оёқларига занжир боғлагандай, мадори даҳон кушода намондан // оғзини очишга мадори қолмаслик* ибораси ҳам жуда чарчаган инсон ҳолатини ифодаловчи ёрқин бирикма сифатида қўлланади. Унинг образли ифодаси сиқилган анор фразеологизмида намоён бўлади. Бу жараёни чарчаган ит қиёфаси билан қиёслаш ҳам ўзига хосдир: *саг барин ҳалакӣ кардан // итдай чарчамоқ, мурданивор меҳнат кардан // ўлгудек ишламоқ, зада кўфтагӣ барин ҳалок шудан // дўппослаб ургандек чарчамоқ* кабилар.

Умуман олганда, икки тилга хос фразеологизмлар ўртасида қисмлари жиҳатдан кескин фарқланиш йўқ.

7. Дид билан боғлиқ ҳиссиётлар кичик гуруҳи.

Бундай ҳиссиётларнинг мураккаб тизимли механизми, қулоқнинг ички қисми ва у билан боғлиқ асаб толалари, мия қобиғи ва мияча бўлишмаларини қамраб олади [5, 193-194].

Тана алоҳида қисмлари ҳолати ва ҳаракати билан боғлиқ тезлашиш ва мувозанат ҳиссиётлари организмнинг ички ҳолати ва ҳаракатга нисбатан организмнинг акс ҳаракати ҳақидаги ахборотни узатади. Тадқиқ этилаётган икки тилда бош айланиши орқали жуда чарчаш ҳиссиётини узатувчи фразеологизмлар мавжуд: *сарчархак шудан // боши айланмоқ.* Бошдаги сочлар ҳаракати эса фразеологизмларда кучли кўрқув ҳолатини англатади: *мўйи сар рост шудан // тепа сочи тик бўлмоқ.* Мазкур фразеологизмлардаги лингвокультуремалар катта ёки қутилмаган хавф остида кузатиладиган кўрқувга нисбатан акс таъсирга асосланган.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, мазкур гуруҳ фразеологизмлари кўриб чиқилаётган тилларда бир хил образлар орқали дид билан боғлиқ ҳиссиётларни англатади. Бу ҳолат табиийдир, чунки улар тана аъзолари физиологик вазифаси умуминсоний тавсифига асосланади.

Тожик ва ўзбек тилларида шахс хусусиятини ифодаловчи (сезиш ҳиссиёти билан боғлиқ) фразеологизмларнинг семантик тадқиқи куйидаги хулосалар билан якунланди:

1. Нутқнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи ибораларнинг ифодаланиши тарихи анча узоқ бўлиб, қадимдан донишманд ота-боболаримиз томонидан яратилган.

2. Тожик ва ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмларнинг шаклланиши, бунда фразеологик калькаланишнинг ўрни муаммолари махсус кузатишларни талаб қилувчи долзарб муаммолар қаторига киради.

3. Адъектив, компоратив фразеологик бирликлар ўз таркибида ўзбек тилида “худди” ёки “гўё”, тожик тилида “барин” ёки “мисли” қиёсий компонентига эга бўлиб, бунда асосий компонент сифатида сифатнинг ўзи, боғловчи



компонент сифатида от сўз туркумлари келади. Иккала тилда тузилишига кўра гапга тенглаштирилган фразеологизмлар учрайди. Бундай тузилишдаги фразеологик бирликлар икки тилнинг субъект тавсифини беради. Мазкур фразеологик бирликларнинг асосий қисми содда гап тузилишига эга бўлади. Иккала тилда буйруқ маъносидаги содда гаплар ҳам алоҳида гапга ажратилган.

Умуман олганда, структур-грамматик таҳлил ўрганилаётган фразеологик бирикмалар ўхшашлигидан далолат беради, бу ҳолат тожик ва ўзбек тилларида деярли бир хил тарзда намоён бўлади. Шахс хусусиятини ифодаловчи иборалар яхлит бир майдонни ташкил қилади. Уни эса шахсга хос сезиш, хотира, фикрлаш, тасаввур, ирода сингари микрогурӯх ва уларнинг семантик шохобчаси бўлган кичик гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Тожик тилидаги шахс хусусиятини ифодаловчи ибораларни ўзбек тилига ўгиришда таржима тилининг

грамматик ва услубий меъёрларига тўла риоя қилиш, ибораларни мумкин қадар аслига яқин тарзда беришга интилиш яхши самара беради. Шу боис ўзбек тилига таржима қилинган тожикча бадий асарларни қайта кўздан кечириш, уларда йўл қўйилган айрим нуқсонларни бартараф этиш ва қайта нашр қилиш чоратадбирларини кўриш бу икки халқ адабий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кузатишлар ва таҳлиллар натижасида баъзан икки тилга хос иборалар бир маънони ифодалашда турли хил лексемалардан фойдаланилиши маълум бўлди: *ба чаим // бош устига; рўзи сияҳ // оғир кун; хари халаҳўр барин // тепса тебранмас чўчкадай; умедро канда ангушти ҳайрат газидан // қўлини ювиб, қўлтиққа урмоқ ва бошқа*. Келгусида тожик ва ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмларнинг услубий этнологик, социологик хусусиятлари махсус тадқиқ этилиши лозим.

Адабиётлар:

1. Новиков М.А. Семантика русского языка.-М.:Высшая школа, 1982; Щур Г.С. Теория поля в лингвистике.-М.: Наука, 1974; Абдувалиев А. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. -№4. –Б.62-66; Нарзиқулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари: Филол.фанлари док.....дисс. автореф. - Тошкент, 1994; Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида хурмат майдони ва унинг тузилиши. - Бухоро, 1998. –Б.102-107; Ш.Искандарова. Кўрсатилган асар; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.-Тошкент: Маънавият, 2004. -232 б.
2. Леденев Ю.А. Антропоцентрические и социоцентрические аспекты языка и реч // Антропоцентрическая парадигма в философии: Материалы междунар.науч. конф. – Ч.2: Лингвистика. – Ставрополь, 2003–С.5-10.
3. Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. – Тошкент, 1992. – 120 б.
4. Худойберганова Д. Антропоцентрик матн таҳлили. – Тошкент: Фан, 2013.
5. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб: Питер Ком., 1999.-720 с.

Адашуллоева Г. Семантический анализ фразеологизмов выражения чувств, связанных с ощущением (на примере таджикского и узбекского языков). В статье приведена семантическая классификация фразеологических единиц выражения значения чувства ощущения, являющихся частью микрогруппы фразеологизмов, выражающих личные особенности таджикского и узбекского языков.

Adashulloyeva G. Semantic analysis of phraselogsms expressing feelings dealing with sense (on the example of Tadjik and Uzbek languages). The article gives semantic classification of phraseological units expressing the meaning of sense, which is one of the micro groups of phraselogsms expressing personal features in Tadjik and Uzbek languages.